

Ёшларимиз тарбиясига эътиборли бўлайлик!

Азизлар! Маълумки, ҳамма даврда ҳам ёшлар тарбияси муҳим бўлиб келган. Ёшларини қўлдан берган халқ келажагини йўқотади. Агар бепарво бўлиб, гиёҳвандлик иллоти билан қаттиқ кураш олиб бормасак, бунинг оқибати аянчли бўлади. Биз оталар эса мусулмончилик даъвосини қиламизу, лекин гоҳида фарзандларимиз тарбиясига эътиборсиз бўлганимиздан улар беҳуда ишлар билан банд бўлиб юришибди. Ваҳоланки бизнинг мусулмонлик бурчларимиздан бири ёмон ишни кўрганда уни ё қўли, ё тили билан ўзгартириш, ё дили билан ёмон кўришдир!

Ҳозирда айрим ўқувчи ёшлар орасида гиёҳванд моддалардан ташқари “Трамадол”, “Лирика”, “Регален”, “Селлофен”, “Тропикамид” каби психотроп дори воситалари истеъмолига ўрганиш ҳолатлари учрамоқда. Бу дори воситаларида ҳам маст қилиш ва ўргатиб қўйиш хусусияти бор. Кўча-куйда бундай дориларни истеъмол қилаётганларни кўриб кўрмасликка олиш, менинг фарзандим бу дориларни истеъмол қилмайди, деб хотиржамликка берилиш асло тўғри эмас. Чунки гиёҳвандлик балоси кенг тарқалса, ҳеч ким фарзандидан хотиржам бўла олмайди. Бу иллатларга амру маъруф наҳий-мункар ёрдамида қарши турайлик. Бу ишларни ислоҳ қилишни фақат Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириб қўйиб, ўзимизни четга олишимиз лоқайдликдир.

Маст қилувчи ичимликларнинг ҳукми, зарарлари, оқибатлари ҳақидаги барча оят ва ҳадислар ҳам гиёҳванд моддаларга тегишлидир. Гиёҳвандлик кишини секин секин (гоҳида эса тезда) ўлимга олиб келади. Бу нарсаларни истеъмол қилиш билан ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади. Бу эса катта гуноҳдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай буюрган: **“Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг”** (Нисо сураси 29-оят).

Яна бир ёмон жиҳати шуки, гиёҳвандлик сабабли келажак авлодлар ичида ақлий ва жисмоний ногирон болалар кўпаяди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган илмий, исботланган ҳақиқатдир.

Шуни ёдда тутиш лозимки, гиёҳванд модда савдосига аралашган кимсалар, жумладан юқорида саналган дориларни шифо учун эмас, балки кайф қилиш учун сотиб олишадиганини била туриб ёшларга сотаётган баъзи дорихоначилар ҳаром мол топаётган ва Аллоҳнинг ҳукмига қарши чиққан ҳисобланади! Ҳаромдан топиб ўзи ва фарзандларига ҳаром едираётганлар, минглаб ёшларнинг гиёҳвандлик гирдобига ботишига сабаб бўлаётганлар ўзларию ўзгаларнинг гуноҳларига шерикдирлар. Улар оз муддатда ўтадиган дунёдан кўра абадий охиратдаги ҳисоблари ҳақида ўйлашмайдими?! Қуръон каримда охират азоби қаттиқ эканидан огоҳлантириб айтилади: **“Ҳаддан ошган ва Парвардигорининг оятларига имон келтирмаганларни мана шундай жазолагаймиз. Охират азоби эса, шубҳасиз, қаттиқроқ ва боқийроқдир”** (Тоҳа сураси 127-оят).

Ёшлик даври айна тарбия пайтидир. Шу даврда уларни эътиборсиз ташлаб қўймаслигимиз керак. Уларни халқига, динига фойдали билимли-маърифатли, қўлидан иш келадиган касб-кор эгаси қилиш бурчимиздир. Айниқса, болаларни, кейинги пайтда унутиладиган китобхонликка ўргатиш, яхши кишилар билан дўстлашишга қўмаклашиш муҳим. Пайғамбаримиз алайҳисалом киши дўстининг дин-диёнатиغا мослашиб кетиши ҳақида огоҳлантирганлар. Ёмон кишилар билан дўстлашишнинг оқибати ҳам ёмондир.

Хулоса шуки, ёшларнинг одоб-ахлоқи, таълим-тарбияси, илм-маърифати билан ҳар бир ота-она ва масъуллар шуғулланса, келажакда бизнинг фарзандларимиздан ҳам буюк олиму алломалар чиқади, иншааллоҳ.

